

ИНТЕРНЕТГА ТОБЕЛИКНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

Эшмуродов Олмосбек Эломонович
ТерДПИ Психология кафедраси доценти в.б

Дунё миқёсида ёшларни виртаул олам таъсирларидан асраш, уларда пайдо бўлган интернетга тобеликни эрта бартараф этиш, уларнинг билим ва кўникмаларини оширишда психологик фаровонликни таъминлаш, бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, салбий ахборотлар оқимига нисбатан компетенцияларини ошириш, интернет тармоғидан тўғри фойдалана олиш малакаларини шакллантириш, талаба ёшларнинг касбий идеалларини янада ошириш ҳамда уларнинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишларга, алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, талаба ёшларда самарали ўқув фаолиятини ва интернет билан оқилона ишлай олиш қобилиятларини қарор топтириш ҳамда бу борада вазифаларни амалга оширишда фанлараро интерпацияни кучайтириш, интернет билан самарали иш олиб боришга хизмат қилувчи ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва психологик ўқув-услубий қўлланмалар, оммабоп нашрларни ишлаб чиқишнинг йўналишларини белгилаш, уларнинг амалдагиларини тубдан такомиллаштириш каби масалалар глобал вазифалар сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда психолог олимлар томонидан кам сонли тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, асосий эътибор компьютер ўйинларига тобеликнинг бола психик тараққиётига салбий таъсирини ўрганишга қаратилган. Н.М.Долимова томонидан ўзбек миллий муҳитида ўсмирларнинг компьютер ўйинларига тобелигини диагностика қилиш ва коррекция қилиш масаласи ёритилган бўлиб, унда компьютер ўйинларига тобелиги мавжуд ўсмирларда безовталик ва агрессиянинг ошиши аниқланган. Л.А.Нигматулина томонидан компьютерга тобеликнинг шахс характерологик хусусиятларига таъсирини тадқиқ этилган бўлиб, унда талаба ёшлардаги компьютерга тобеликнинг гендер ва ёш, шахслик хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик компонентлари аниқланган. И.И.Рахимова эса, кичик мактаб ёши, ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшида компьютер ўйинларига тобелик, шунингдек унинг оилавий муносабатлар ва социометрик статус билан алоқадорлик жиҳатларини ўрганган. Гарчи мамлакатимиз психолог олимлари томонидан тобе хулқ муаммоси атрофлича тадқиқ этилган бўлсада, бироқ интернетга тобелик ва уни келтириб чиқарувчи психологик омиллар масаласи, кўпчилик психолог олимлар эътиборидан четда қолмоқда.

Замонавий хориж психологиясида «киберпсихологлар» тушунчаси киритилган бўлиб, улар айнан интернетга тобе шахсларга маслаҳат ва йўл – йўриқ беришадилар. Бундан ташқари, улар мижозлар билан маълум бир муддатда профилактик ишлар олиб боришадилар. Статистик маълумотларга кўра, интернетга тобелик оқибатида икки хил йўналишда патологик ўзгаришлар бўлган шахслар фарқланади¹:

- жинсий яқинликка қаратилган интернетга тобелик;
- ижтимоий изоляцияга қаратилган тобелик.

Биринчи ҳолатда шахс тармоқ тизими орқали ўзига яқин киши, ўз идеалидаги инсонни қидиради. Иккинчи ҳолат эса, жамият ва социумдан узоклашиш, ўзини яққалаш ҳолати билан характерланади.

А.В.Урсу ўзининг «компьютер ўйинларига тобелик динамикаси ва эпидемиологияси» мавзусидаги илмий мақоласида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: «аксарият мазкур хулққа эга шахслар деориентацияни бошдан кечириб, ҳаётий вазиятларда ўзларини паст баҳолайдилар, тор доирада мулоқот қилишни хуш кўрадилар, ҳаракатларида импульсивлик етишмайди, мақсад қўйишдан доим қочиб юриш истаги кабилар билан бошқалардан фарқланадилар. Бундай шахслар илгари ўз олдига қўйган мақсадларидан осонгина воз кечадилар. Натижада уларда ёлғизликдан кўрқиш, тез –тез депрессив ҳолатларга тушиш кузатилади. Муаллифнинг назарича, интернет тобелиги нафақат ҳаётга нотўғри мўлжал олиш ёки олий мақсадларга нисбатан иштиёқнинг сўниши (импульсивликнинг сўниши) билан ҳам тавсифланади.

С.П.Пильнинг таъкидича, ҳозирги замонавий жамиятда, аксарият ўсмирларда киберсексуаллик хусусияти қайд этилиб, унда ўсмир онгида ассоциал мазмундаги жинсий яқинликни ифодаловчи тасаввурлар гавдаланади. У худди кинодаги драмага ўхшайди. Ўсмирлик даври эса, ушбу ҳолатни тез қабул қилиш учун ўта мос давр ҳисобланади. Шунинг учун, ҳар ота-оналар, ўқитувчилар ва ўсмир учун яқин кишилар уларнинг хатти-ҳаракатларини доим назорат қилиб туришлари ҳамда тартибли ҳаёт тарзини ташкил этишга кўмакдош бўлиб боришлари ўта муҳим ҳисобланади.

В.Е.Данилова талабаларда интернет тобелиги муаммосини тадқиқ этар экан, аввало ушбу масалада бир саволга жавоб топиш лозимлигини уқтиради. Яъни интернет фойдаланувчилари ҳаддан зиёд кўп, фақат улар ўртасидаги фарқларни аниқлаб олиш лозим. Шу билан бирга, аксарият фойдаланувчилар иш масаласида кўп вақт тармоқда ўтирадилар. Бошқалар эса, тармоқда ўтириб мақсадларни махфий равишда амалга оширишни, яширин тарзда

¹ <http://security.mosmetod.ru/internet-zavisimosti/> 77-vidy-internet-zavisimosti

харакат қилишни афзал кўришадилар ва аста-секин шу хатти-харакатга бутунлай тобе бўлиб қоладилар.

Е.Г.Гайнцевнинг хулосаларига кўра, интернетга тобеликни келтириб чиқраувчи омиллар сифатида ўз-ўзини англашдаги қийинчиликлар, ишсизлик ҳолати, оилавий муаммолар, ўз даромадидан норозилик, жамоадаги нотўғри ижтимоий муносабатлар кабилар эътироф этилади. Бошқача айтганда, интернет олами бу – усти ёпиқ гумбаз бўлиб, гумбазнинг ичида муаммодаги инсон ўзини қулай ва хавфсиз ҳис этадилар. Интернет - бу гумбазнинг бир тури, унинг остида одам бор ўзини хавфсиз ҳис қилади, ноқулай ташқи томондан тортиб олинадиган дунё. Мазкур мулоҳазага кўра, интернет инсон учун виртуал тинч макон, муаммолар гирдобидаги инсон у ердан паноҳ топади. Бундай вазиятда улар учун психопрофилактик ишлар зарурдир. А.В.Гоголева интернет тобелиги масаласида эътиборга молик тадқиқот олиб бориб, интернет маълумотларини афзал кўрувчи шахсларнинг қуйидаги типларини ажратиб кўрсатади:

– интернет коммуникаторлар – бундай шахслар виртуал оламга бутунлай сингиб кетган шахслар ҳисобланиб, улар кун давомида мулоқот қилишни, суҳбатлар уюштиришни, форумларда қатнашишни, электрон почта хизматларидан фойдаланишни ҳамда ижтимоий тармоқларда вақтини хуш ўтказишни хоҳловчи типдаги кишилар ҳисобланишади;

– интернет эроманяклари – интернетда жинсий эҳтиёжларини кондиришни одат қилган ҳамда порнографик сайтларда ўзини эркин ҳис қиладиган шахслар;

– интернет тажовузкорлари – бундай шахслар доим зўравонлик, шафқатсизлик саҳналарини тарқатувчи ва унга тобе шахслардир;

– интернет когнитивлари – бундай кишилар ўзларини яхши англаган, когнитив қизиқишлари юқори бўлган шахслар саналиб, улар доим фойдали сайтлар яъни таълим, тиббиёт ҳамда ўз соҳасига оид маълумотлардан фойдаланувчи типдаги кишилардир;

– интернет қиморбозлари – ушбу шахслар турли мазмундаги ўйинлар, спорт ўйинлари, онлайн казинолар кабиларга тобе шахслардир;

– онлайн харидорлар – ортиқча пул сарфлашга одатланган шахслар, доим кўргазмаларда фаол бўлган аукцион иштирокчилари ва ҳоказо.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг натижаларидан фарқли ўлароқ, М.И.Дрепа интернетга тобеликнинг қуйидаги турларини аниқлади:

1. Бемақсад тармоқ фойдаланувчилари – бундай кишилар ҳеч бир мақсадларсиз турли сайтларда доим айланиб юрадилар ва ўзларига маъқул маълумот қидирадилар. Улар учун маълумотларнинг касбий ёки соҳавий

характери унчалик муҳим эмас балки, бўш вақтларини шунчаки ўтказиш шунингдек, муаммолардан оз бўлсада узоқ бўлиш ва ҳоказо.

2. Виртуал мулоқотга ва виртуал танишишга тобе шахслар – катта ҳажмдаги ёзишмалар, суҳбатларни амалга ошириш, интернетда ҳаддан ортиқ дўстлар орттириш;

3. Ўйинларга тобе шахслар – интернет тармоғида мавжуд бўлган, кўплаб онлайн ўйинлар турига ҳаддан ортиқ берилиб кетган кишилар;

4. Молиявий эҳтиёжни қондиришга қаратилган тобелик ёки бошқаларни алдаш ҳисобидан ҳаёт кечирувчи шахслар;

5. Интернет орқали турли филмларни томоша қилишга одатланиб қолган шахслар;

6. Кибер яқинликка тобе шахслар – бундай шахслар доим порнографик сайтларда ташрифни маъқул кўрувчилар ҳисобланишади.

Демак, юқоридаги таснифлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, интернет тобелигининг келиб чиқиши биринчи навбатда, шахсда ижтимоий муносабатларнинг издан чиқиши, ижтимоий муҳит, шахс тарбиясидаги эътиборсизлик каби омилларга кўпроқ боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Александров А. А. Интегративная психотерапия. – СПб: Питер, 2009. – 352 с.
2. Гайнцев Е.Г. Социальные последствия интернет-зависимости, Историческая и социально-образовательная мысль. Том 7, №6, часть 1, 2015. – 245 с.
3. Гоголева А. В. Аддиктивное поведение и его профилактика Текст. / А. В. Гоголева. 2-е изд., стер. - М.: Московский психолого-социальный институт; Воронеж: Издательство НПО МОДЭК, 2003. – 240 с.
4. Eshmurodov, O., & Eshboyeva, B. (2023). O'SMIRLIK DAVRIDA JINSIY STERIODIPLARNING YOSH XUSUSIYATLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8388>
5. Elamanovich, O. E. (2022, October). OILAVIY MUNOSABATLARDAGI NIZOLARNING KELIB CHIQISH SABABLARI. In Archive of Conferences (pp. 1-7).
6. Elomonovich, E. O. (2022). OILA PSIXOLOGIYASINING NAZARIY ASOSLARI, OILAVIY MUNOSABATLAR PSIXOLOGIYASI. Gospodarka i Innovacje., 20, 49-51.
7. Eshmuradov Olmosbek Elamanovich (2021). OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISH OMILLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (4), 1318-1323.

8. М. А. Тилакова, & О. Э. Эшмурадов (2021). КРЕАТИВ КОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ. Scientific progress, 1 (6), 143-149.
9. Eshmurodov, O. (2023). SOG'LOM PSIXOLOGIK MUNIT OILA BARQARORLIGINING OMILI SIFATIDA . Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9088>
10. Eshmurodov, O. (2023). ҚИЗЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9087>
11. Eshmurodov O. E. SOCIAL-PSYCHOLOGICAL FACTORS OF MAINTAINING FAMILY-MARRIAGE RELATIONS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 12. – С. 803-807.
12. Эшмурадов О. Э. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ШАХС МОСЛАШУВЧАНЛИГИ ХУСУСИЯТИНИНГ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИРИ: DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.21.57.012> Эшмурадов Олмосбек Эламонович, Термиз давлат университетининг Педагогика институти Психология кафедраси катта ўқитувчиси //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2021. – №. 1-Махсус сон. – С. 377-380.
13. Eshmurodov, Olmosbek. "ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ." *Scienceweb academic papers collection* (2022).
14. Эшмурадов О. Э. Оиланинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш имкониятлари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 1082-1085.
15. Эшмурадов, О. Э. "Оилавий муҳит ва оилавий муносабатлар психологиянинг ўрганиш предмети сифатида." *ЎзМУ хабарлари*” Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий журнали (2019): 162-164
16. Eshmurodov O. ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ //Scienceweb academic papers collection. – 2022.
17. Elamanovich, O. E. (2022, October). OILAVIY MUNOSABATLARDAGI NIZOLARNING KELIB CHIQISH SABABLARI. In Archive of Conferences (pp. 1-7).

- 18.Эшмуродов, О. Э. (2021). Оиланинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш имкониятлари. *Academic research in educational sciences*, 2(5), 1082-1085.
- 19.Elamanovich, O. E. (2022). OILAVIY MUNOSABATLARDAGI NIZOLARNING KELIB CHIQISH SABABLARI. *Archive of Conferences*, 1-7.
- 20.Eshmurodov, O. E. (2022). SOCIAL-PSYCHOLOGICAL FACTORS OF MAINTAINING FAMILY-MARRIAGE RELATIONS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 803-807.
- 21.Eshmurodov, O. (2024). МАКТАБЛАРДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ RIVOJLANTIRISH MASALALARI. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 152-155.
- 22.Eshmurodov, O. (2024). ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 148-151.
- 23.Eshmurodov, O., & Fazliddinova, U. (2024). КИЧИК МАКТАБ YOSHIDAGI O'QUVCHILARNI O'QISHGA O'RGATISHDA ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ O'RNI. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 169-173.
- 24.Эшмуродов, О. (2023). Talabalar oila haqidagi tasavvurlarining oila mustahkamligiga ta'siri. *Современные тенденции психологической службы в системе образования: теория и практика*, 1(1), 71-74.

